

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

КЕНЖАБОЕВА РАХШОНА МИРЗАЕВНА

**Х–ХІІ АСРЛАР МОВАРОУННАҲР ҲАНАФИЙ МАНБАЛАРИДА
ВАҚФ МАСАЛАЛАРИ**

24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефератадоктора философии (PhD) по исламским
наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of theDoctor of Philosophy (PhD) on
Islamic Sciences**

Кенжабоева Рахшона Мирзаевна

X–XIII аср Мовароуннаҳр ханафий манбаларида вақф масалалари 3

Kenjaboeva Rakhshona Mirzayevna

Waqf issues in the Mawarannahr Hanafi sources of the X–XIII-centuries 25

Кенжабаева Рахшона Мирзаевна

Вопросы вакфов в ханафитских источниках Мавераннахра
X–XIII веков..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

КЕНЖАБОЕВА РАХШОНА МИРЗАЕВНА

**Х–ХІІ АСРЛАР МОВАРОУННАҲР ҲАНАФИЙ МАНБАЛАРИДА
ВАҚФ МАСАЛАЛАРИ**

24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Исломуношлик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Is110 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iiaw.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошқулов Жўрабой Ўринбаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Насриев Илҳом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги DSc.35/30.12.2019.Is1/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiaw.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
сиёсий фанлар доктори, профессор

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, филология фанлари доктори, доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон омилига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бораётган жараёнда ижтимоий ҳимоя тизими инсониятга глобал таназзулдан қутулиш имкониятини тақдим этади. Вақф институти ижтимоий ҳимоя тамойилларини ифода этиш билан бирга ислом дини кадриятларини ҳам ўзида мужассам этгани билан бошқа ижтимоий институтлардан ажралиб туради. Вақф муассасаси ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий тушунча сифатида дунё олимлари томонидан эътироф этилмоқда. Вақф мавзусида тадқиқотлар олиб борилишига бўлган эътибор дунё ҳамжамияти томонидан ижтимоий ҳимоя, инсоний бирдамлик ва тараққиётнинг тактик ва стратегик омили сифатида қаралмоқда. Вақфнинг жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашдаги роли катта бўлиб, унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш натижаларини дунёвий ҳуқуқ амалиётига жорий этиш масаласи айти пайтда долзарб аҳамиятга эгадир.

Дунёнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида вақфнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий моҳиятини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар амалга оширилаётгани ушбу турдаги тадқиқотларнинг илмий аҳамияти юқори эканлигидан далолатдир. Ҳозирги кунда жаҳонда вақф институтини дунёвий қонунчилик тизимига жорий этиш моделлари, вақф институтининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсир этиш механизми, муайян жамият ва давлатда вақф институтининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, ислом ҳуқуқи манбаларида вақф масалаларининг ёритилиши, вақф фатволаридаги мазҳаблараро фарқлар, ислом банклари билан вақф муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, мусулмон мамлакатлар иқтисодиётида вақфларнинг тутган ўрни каби ҳуқуқий ва иқтисодий масалалар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда вақф институтига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ “Вақф” хайрия жамоат фондининг ташкил этилишини фикримизнинг амалий тасдиғи сифатида кўриш мумкин. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига вақф институтининг жорий қилиниши, унинг шаръий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асосларини ўрганиш бугунги кунда нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16-апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этиш, мазкур Фармоннинг 1-илоvasида “Диний-маърифий соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш”, “Диний-маърифий соҳага оид қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш, таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш”га

доир бандлардаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мамлакатларида ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб ислом маданиятининг таркибий қисмига айланган вақф институти Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Вақф мавзусида амалга оширилган тадқиқотларни давр ва объект нуқтаи назаридан қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчи гуруҳ тадқиқотлари ислом ҳуқуқида вақф муносабатлари масаласининг ёритилишига бағишланган илмий изланишлардан иборатдир. Бу гуруҳга кирувчи тадқиқотларда, асосан, вақф билан боғлиқ шаръий масалалар таҳлил этилган. Уларда вақф мавзуси закот, мерос каби ўзаро боғлиқ масалалар билан бирга тадқиқ этилган. Мазкур изланишларда ислом ҳуқуқидаги мудораба, мушорака каби ҳамкорлик турларига вақф мулкларини жалб қилиш масаласи илк бор муҳокама қилинган ва шу турдаги тадқиқотлар салмоғининг ортишига ҳисса қўшган. Ибн Жузай, Муҳаммад Қадри Пошо, Муҳаммад ибн Обид Кубайсий, М.Мустафо Шалабий, Зиё Казиж, Ваҳба Зуҳайлий томонидан амалга оширилган илмий изланишлар шулар жумласидандир¹;

иккинчи гуруҳ тадқиқотларига замонавий қонунчиликда вақф институтлари фаолиятини тартибга солишда қабул қилинган қонунлар ва уларда шариат меъёрларидан фойдаланилганлиги масаласига бағишланган илмий изланишларни киритиш мумкин. Ушбу йўналишда араб минтақасида Мунзир Қаҳф ўзининг вақфлар тарихи ва фаолияти, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан такомиллашиб бориши, давлатлар иқтисодиётида тутган ўрни масалаларига бағишланган “Ал-вақфу-л-исломий татаввурҳу, идоратуҳу ва танмиятуҳу” номли асарида мавзунини атрофлича ўрганган. Аҳмад Муҳаммад Абдулазим вақфларнинг иқтисодий аҳамияти ва ижтимоий ҳимояни таъминлашда тутган ўрнини батафсил тадқиқ қилган. Шунингдек, араб минтақасида вақфнинг ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларига бағишланган изланишлардан Аҳмад Райсуний тадқиқотларини, Туркияда Умар Ҳилмий,

¹ Абу Қосим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Жузай Калбий Ғарнотий. Қованину-л-аҳкоми-ш-шаръийя ва масоилул-фуруъил-фикҳийя. – Ар-Риёд: мактабату жомияти-л-малик саъуд, 1405-1406/1985; Муҳаммад Қадри Пошо. Қонулул-адл ва-л-инсоф ли-қадо ало мушкилоти-л-авқоф. // нашрга тайёрловчи Абдуллоҳ Назир Аҳмад Муззий. – Макка: ал-мактабату-л-маккийя, 2007; Муҳаммад ибн Обид Кубайсий. Аҳкомул-вақф фи-ш-шарийъати-л-исломийя. – Бағдод: матбаъату-л-иршод, 1397; Муҳаммад Мустафо Шалабий. Аҳкомул-васойо ва-л-авқоф. – Байрут: ад-дорул-жомийя, 1322; Ziya Kazıcı. İslâmî ve Sosyal Açidan Vakıflar. – İstanbul: Kayıhan yayınları, 2014; Ваҳба Зуҳайлий. Ал-васойо ва-л-вақф фи-л-фикҳи-л-исломий. – Дамашк: дору-л-фикри-л-маъосир, 2011.

Халил Шукру, Ҳусайн Хотамий, Аҳмет Акгундуз, ғарбда Ҳ.Катан, Билмэн, Боалэм Бэнжилали ҳамда юртимизда амалга оширилган тадқиқотларни киритиш мумкин¹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ушбу мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқотлар мавзунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, Қ.К.Якубов, Ў.А.Султонов, Б.Б.Маллабоев, С.Д.Болтабоев тадқиқотларида хонликлар даврида вақф муассасалари фаолияти, совет даврида вақф институтларининг барҳам топиши каби мавзулар изчиллик билан ёритилган².

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва геосиёсий аҳамияти, ёшларда диний бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг йўллари ва воситалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ҳанафий манбаларидаги вақф масаласини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ислом ҳуқуқида вақф институтининг пайдо бўлиши ва ривожланишини назарий-концептуал жиҳатдан очиқ бериш;

вақф мулкни таснифлашнинг типологик хусусиятларини аниқлаш;

фикҳий манбаларда вақф мавзусининг ёритилиши, фарқлари, ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бериш;

вақф шартномасини тузиш ва уни бекор қилиш асосларини аниқлаш;

ҳиссали мулкни вақф қилишга оид муносабатларни миллий

¹Мунзир Қаҳф. Ал-вақфул-исломий татоввуруху, идоратуҳу ва танмиятуҳу (Исломий вақф: ривожланиши, бошқаруви ва ўсиши). – Байрут: дорул-фикрил-муъосир, 2000; Аҳмад Муҳаммад Абдулғазим. Давру низоми-л-вақфи-л-исломий фи-т-танмияти-л-иктисодийяти-л-муосирох. – Бағдод: Дорус-салом, 2009; Аҳмад Райсуний. Ал-вақфул-исломий мажолотуҳ ва абъодуҳ. – Қоҳира: дору-л-калима ли-н-нашр ва-т-тавзийъ, 2013; Ömer Hilmi Efendi. İthâfû'l-ahlâf fi ahkâmi'l-evkâf. – Ankara: ts. Vakıflar Genel Müdürlüğü; Halil Şükrü. Ahkâm-ı Evkâf. – İstanbul: 1329; Hüseyin Hatemi. Türk Hukukunda Vakıf Kurma Muamelesi: Önceki ve Bugünkü. – İstanbul: Fakülteler Matbaası, 1969; Ahmet Akgündüz. İslâm Hukukunda ve Osmanlı Tatbikatında Vakıf Müessesesi. Ankara, OSAV, 1988; H. Cattan, “The Law of Wakf”, Law in The Middle East: Origin and Development of Islamic Law (ed. Majid Khadduri – H. J. Liebesny). – Washington: 1955; Boualem Bendjilali. Les forme contemporaines du Waqf: Le cas du Koweit // La Zakat et Le Waqf : Aspects Historiques, juridiques, institutionnels et économiques // Séminaire tenu au Bénin Du 25 au 31 mai 1997.

² Якубов Қ. К. XIX асрнинг II ярми - XX аср бошида Хива хонлигида вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: ЎзРФА Тарих институти, 2018; Султонов Ў.А. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлэмалари маркази, 2016; Маллабаев Б. Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Ахрор авлодлари вақф мулкалир мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Наманган: Наманган давлат университети, 2004; Болтабоев С. Д. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида вақф мулклари. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент: ЎзРФА Тарих институти, 1995.

қонунчиликда акс эттиришнинг жорий механизмларини очиб бериш;

масжид ва қабристон каби вақфларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

вақф институтини нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ҳуқуқий мақомини аниқлаш ҳамда уни фуқаролик жамияти институтлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

вақф тўғрисидаги Туркия Республикасининг қонунлари, тажрибаси асосида вақф институтини ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан очиб бериш ва унинг шариат билан уйғунлигини кўрсатиш;

Ўзбекистонда “Вақф” хайрия жамоат фонди ва унинг ислом ҳуқуқидаги вақф институти билан алоқадорлигини аниқлаш ва ушбу фонд фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ҳанафий манбаларида вақф масалалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети X–XIII асрларга оид ҳанафий манбаларидаги вақфга доир фатволар, ҳукмлар ва уларнинг бугунги кундаги вақф мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда кўрилган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тизимли-функционал ва тарихий таҳлил, қиёслаш ва контент-анализ каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк фикҳий манбаларда қисқа баён этилган вақф мавзуси давр ўтиши ва унинг тури ва салмоғи ортиб боргани, вақф мулки, тизими ва муҳофазасига доир янги фатволар, ҳуқуқий асослар ишлаб чиқиш зарурати натижасида вақф ислом ҳуқуқининг алоҳида бир тармоғига айлангани очиб берилган;

вақф ижараси анъанавий ижарадан мулк ижараси муддати уч йилдан ошиши мумкин бўлмаслиги, ижара шартномаси субъектларидан бирининг вафоти муносабати билан ижара шартномасининг бекор бўлмаслиги жиҳатдан фарқ қилиши, ижарани бекор қилиш муддати олдиндан белгиланиши мумкинлиги жиҳатдан эса ўхшашлиги далилланган;

вақф мулкларини тасарруф этиш билан боғлиқ фуқаролик ишларида вақф девонлари қозихоналар билан ҳамкорлик қилиши натижасида ворисларнинг вақф мулки устидаги ҳақларига доир янги фатволар қабул қилингани исботланган;

вақф институти турли ижтимоий-иқтисодий вазиятлар ва ривожланиш талабларига жавобан жорий этилгани, моҳиятан ижтимоий-тарихий ва иқтисодий аҳамиятга эга воқелик, объектив зарурият экани илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда X–XIII асрларга оид Мовароуннаҳр фикҳий манбалари илмий истеъмолга киритилган, жумладан, 3 та фикҳий манбалар қиёсий таҳлил қилиниб, уларда вақфга доир фарқли фатволарда қўлланган далиллар ва улардан фойдаланиш услублари очиб берилган;

мулкни вақф қилиш жараёнида вақф қилувчи, мулкни қабул қилувчи ва гувоҳлар иштирокида вақфнома (вақфия) тузилгани, ушбу ҳужжат вақфнинг доимийлигини таъминлаш билан бирга келажақда мулкнинг миқдори ва чегараси борасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга хизмат қилгани кўрсатиб берилган;

бугунги кунда жаҳон мамлакатларида амалда бўлган вақф қонунлари илмий истеъмолга киритилган, жумладан, 6 та мамлакатда амал қилаётган вақф қонунлари таҳлил қилиниб, уларда вақф мулкчилик муносабатларининг давлат назоратидан ажратилгани, шариат меъёрларига уйғунлиги масалалари илмий ўрганиш асосида очиб берилган;

ислом ҳуқуқи манбаларида вақф мавзусининг такомиллашиб бориш босқичларини илмий ўрганиш асосида олинган натижалардан шу мавзудаги хронологик маълумотлар базасини шакллантиришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги методологик базанинг яратилгани, Шарқ ва Ғарб исломшунослик мактабларида шаклланган қатор илмий тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, илмий хулосаларни илгари суришда Шамсуддин Сарахсийнинг “Мабсут”, Алоуддин Самарқандийнинг “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Муҳаммад Шайбонийнинг “Китоб аҳком ал-вақф” асарларига таянилганлиги, далиллар воситасида асосланганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар вақф институтининг назарий-ҳуқуқий асосларини, вақф мулкчилик муносабатларини ўрганишда ҳамда Ўзбекистонда вақф институти фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса унинг исломшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма вазифасини ўташи мумкинлиги, “Ислом ҳуқуқи”, “Исломшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Ислом дини асослари ва маънавияти”, “Хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизими” фанларини ўқитишда ҳамда улар бўйича янги дарслик, қўлланма ва махсус курслари учун дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ҳанафий манбаларида вақф масалалари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

илк фикҳий манбаларда қисқа баён этилган вақф мавзуси давр ўтиши ва унинг тури ва салмоғи ортиб боргани, вақф мулки, тизими ва муҳофазасига доир янги фатволар, ҳуқуқий асослар ишлаб чиқиш зарурати натижасида вақф ислом ҳуқуқининг алоҳида бир тармоғига айлангани ҳақидаги натижалар буюртма асосида тайёрланган “X–XIII аср Мовароуннаҳр классик фикҳий манбаларида вақф мавзусининг ёритилиши” китоби мазмунига

сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 20.02.2021 санадаги 03-07/1135 сонли хулосаси). Натижада, ушбу асар кенг жамоатчиликнинг тарихий ва фикҳий манбаларда вақф мавзусининг ёритилиши тўғрисидаги билимларини янада ривожлантиришда ҳисса қўшган;

вақф ижараси анъанавий ижарадан мулк ижараси муддати уч йилдан ошиши мумкин бўлмаслиги, ижара шартномаси субъектларидан бирининг вафоти муносабати билан ижара шартномасининг бекор бўлмаслиги жиҳатдан фарқ қилиши, ижарани бекор қилиш муддати олдиндан белгиланиши мумкинлиги жиҳатдан эса ўхшашлиги ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказида ислом ҳуқуқига оид манбалар бўлимида фойдаланилган, шунингдек, вақфлар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам каби ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олгани, айниқса, илм-фан ҳам вақфлар воситасида ривож топганига оид хулосалар буюртма асосида тайёрланган “Бухоро таълим тизими тарихи” китобига мазмунан сингдирилган (Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказининг 50/21 сонли маълумотномаси). Мазкур асар китобхонларнинг вақфга оид дунёқарашларини янада кенгайтиришга хизмат қилган;

вақф мулкларини тасарруф этиш билан боғлиқ фуқаролик ишларида вақф девонлари қозихоналар билан ҳамкорлик қилиши натижасида ворисларнинг вақф мулки устидаги ҳақларига доир янги фатволар қабул қилингани ҳақидаги натижалар буюртма асосида тайёрланган “Жаҳон мамлакатларида вақф қонуни ва амалиёти” китоби мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 20.02.2021 санадаги 03-07/1135 сонли хулосаси). Натижада, ушбу асар кенг жамоатчиликнинг вақф тўғрисидаги билимларини янада ривожлантиришда ҳисса қўшган;

вақф институти турли ижтимоий-иқтисодий вазиятлар ва ривожланиш талабларига жавобан жорий этилгани, моҳиятан ижтимоий-тарихий ва иқтисодий аҳамиятга эга воқелик, объектив зарурият эканига оид натижалар буюртма асосида тайёрланган “Тошкентлик азиз сиймолар” китоби мазмунига сингдирилган (ISBN: 978-9943-381-98-8). Шунингдек, ушбу хулосалардан Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Маҳалла” телеканали томонидан эфирга узатилган “Одоб дурдоналари” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий 10.11.2020 санадаги 01-18-411 сонли маълумотномаси) ва Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Маҳалла” радиоканалининг “Маърифат чироқлари” эшиттиришида суҳбат тайёрланган. Бунда мулкни вақф сифатида васият қилса, унинг миқдори жами мулкнинг 1/3 қисмидан ошмаслиги зарур экани, закот исломда фарз амал бўлиб, вақф эса ихтиёрий экани, тадқиқот мавзусининг амалий аҳамияти ҳақда суҳбат олиб борилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 02.12.2020 санадаги 04-111 сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу фаолият кенг жамоатчиликда вақфнинг шаръий асослари, унинг мерос, закот каби бошқа муносабатлардан фарқлари ҳақидаги билим ва тасаввурларнинг янада

кенгайишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (7 та республика ва 6 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“X–XIII асрлар Мовароуннахр ханафий манбаларини ўрганишнинг назарий масалалари”** деб номланган биринчи бобида ислом ҳуқуқида вақфларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини назарий жиҳатдан ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари, вақф мулкининг таснифи, вақфга оид фикҳий манбалар таҳлили ёритиб берилган. Ушбу бобнинг *“Ислом ҳуқуқида вақфларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини назарий жиҳатдан ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари”* деб номланган биринчи фаслида ислом тарихининг илк даврларидан бошлаб бугунги кунгача вақф институти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва тарих давомида давом этиб келган ўзаро ёрдам, дунёвий давлатлардаги ижтимоий ҳимояга ихтисослашган нодавлат ноижорат ташкилотнинг кўриниши эканлиги ҳамда вақфларни бутун инсониятнинг фаровонлигини мақсад қилган тизимларнинг бирлашмаси сифатида таърифлаш мумкинлиги ишончли тарихий манбаларга таянган ҳолда баён қилинган. Бу борада муаллиф ўз фикрларини илмий хулоса тарзида баён қилган. Шу билан бирга вақфлар ўз зиммасига олган ижтимоий хизматлар доирасида халқнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилганлиги диссертацияда манбалар асосида, масалан, Абу Қосим

Ғарнотийнинг “Қованину-л-аҳкоми-ш-шаръийя ва масоилул-фуруъил-фикҳийя” асари, Ваҳба Зухайлийнинг “Ал-васойо ва-л-вақф фи-л-фикҳи-л-исломий” асари, Зия Казижининг “İslâmî ve Sosyal Açidan Vakıflar” асари, Ҳ.Катаннинг “The Law of Wakf”, Law in The Middle East: Origin and Development of Islamic Law” асари асосида кўрсатиб берилган¹. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, шуни таъкидлаш жоизки, масжид, шифохона, ўқув даргоҳлари, аҳолининг камбағал ва бошпанасиз қатлами учун қурилган уйлар, илм олувчилар учун қурилган ётоқхоналар фаолияти жамиятларда бойликнинг бойлар қўлидан аҳолининг муҳтож қатламига бўлган оқимини орттирган. Натижада, ижтимоий адолат, сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишида вақфларнинг ўрни катта бўлган. Диссертантнинг таъкидлашича, шифохона, муҳтожлар учун бошпаналар тақдим этиш каби ижтимоий ёрдам кўрсатишда тил, дин, ирқ ва жинс ажратишларга йўл қўйилмаган. Муҳими шундаки, кўпчилик аҳолининг кундалик ҳаётда зарур бўлган масжид, мадраса, шифохона, кўприк, қудук сингари ижтимоий масканлар подшоҳлар, уларнинг қариндошлари ёки мол-мулкка эга кишилар томонидан хайрия сифатида қурилган. Эҳтиёжманд халққа узлуксиз хизмат кўрсатишини таъминлаш мақсадида даромад манбаи сифатида қарвонсарой, дўкон, боғ каби мулклар вақф қилинган. Шунинг учун ҳам вақфлар ва улар кўрсатган хизматлар асрлар оша давом этаверган.

Вақфлар бир тарафдан ижтимоий муносабатлар жараёнида дўстлик, биродарлик, ўзаро ёрдамлашиш жиҳатдан, бошқа тарафдан жамиятнинг муайян ижтимоий мезонларга кўра шакллантирилишида энг ташкилотлашган восита сифатида давлатга дастак берувчи обрўли ва таъсирли куч сифатида аҳамиятга эга бўлган. Диссертацияда вақф мулкчилиги муносабатларини тарихий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги илмий асосланган. Тадқиқотчининг фикрича, мазкур мавзунини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилиш вақфларнинг Мовароуннаҳр ва умуман ислом ҳуқуқи, тарихи ва маданиятининг ажралмас қисми бўлгани жиҳатдан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Вақф мулкчилиги муносабатларини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш орқали юртимизда ва жаҳонда вақф маданиятининг шаклланиши, унинг илмий-назарий жиҳатдан давлатчилик тарихимизда ўчмас ва ёрқин из қолдирган алломалар, улар томонидан ёзиб қолдирилган бугунги кунда ҳам аҳамияти юксак илмий-назарий манбалар, маданий бойликлар ва бошқа муҳим тарихий маълумотларга эга бўлиш билан бирга холис тарихий ҳақиқатни аниқлашга ҳам эришамиз. Вақф мулкчилигини иқтисодий жиҳатдан ўрганиш орқали эса бугунги кунда иқтисодиётнинг давлат сектори ва хусусий сектордан кейинги учинчи энг муҳим таянчи бўлиш кўнгиллилар сектори (voluntary sector)нинг

¹ Абу Қосим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Жузай Калбий Ғарнотий. Қованину-л-аҳкоми-ш-шаръийя ва масоилул-фуруъил-фикҳийя. – Ар-Риёд: мактабату жомияти-л-малик саъуд, 1405-1406/1985; Ваҳба Зухайлий. Ал-васойо ва-л-вақф фи-л-фикҳи-л-исломий. – Дамашк: дору-л-фикри-л-маъосир, 2011. Ziya Kazıcı. İslâmî ve Sosyal Açidan Vakıflar. – İstanbul: Kayıhan yayınları, 2014; H. Cattar, “The Law of Wakf”, Law in The Middle East: Origin and Development of Islamic Law (ed. Majid Khadduri – H. J. Liebesny). – Washington: 1955.

иктисодиётга ижобий таъсири ҳақида тасаввурга эга бўлиб, самарали тадқиқотни амалга ошириш мумкин бўлади.

Мазкур бобнинг “*Вақф мулкларининг таснифи*” деб номланган иккинчи фаслида вақф ҳуқуқини ўрганишда вақф мулкларини таснифлаш муҳим ўрин тутиши таҳлил қилинган. Вақфлар классик фикҳий манбаларда омма учун қилинадиган умумий вақфларга ва авлодлар учун қилинадиган вақфларга бўлинишига эътибор қаратилган. Диссертантнинг фикрича, соҳа мутахассислари томонидан вақфни вақф қилувчи, вақфдан фойдаланувчи ва вақф мулкига кўра яна бир неча турларга ажратиб кўрсатилиши унинг моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотда бу ҳақда “Ислом муассасалари тарихи”¹ китобида, айниқса, батафсил маълумот бериб ўтилганлиги таъкидланади. Мазкур асарда вақфлар қуйидагича тасниф этилганлигини кўриш мумкин: 1. Бошқарув жиҳатдан тузилишига кўра: а) давлат назорати остида фаолият юритадиган вақфлар; б) давлат назорати остида фаолият юритмайдиган вақфлар. 2. Фойдаланувчиларга кўра: а) Хайрия вақфлари. Бундай вақфлар тўғридан тўғри Аллоҳ ризосига эришиш истагида ташкил этилади ва барча инсонларга хизмат қилади. Уларга жоме масжид, кутубхона, мактаб, мадраса, иморат, вақф шифохона каби асли вақф қилинган маконлар ёхуд зайтун боғи, экин майдони, дўкон, ҳаммом каби ерлардан тушган даромадни бериш йўли билан қилинган вақфлар киради. б) Авлодларга қилинган вақфларнинг умумий вақфлардан асосий фарқи шундаги, авлодий вақфларнинг бошқарувчи (мутавалли)си вақф қилувчининг оиласига мансуб бўлади. Манбаларда ярим авлодий вақф тури ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Бунда даромад вақф қилувчининг оиласи ҳамда диний, хайрия ва ижтимоий муассасалар ўртасида тақсимланган². Зуррий ёки ярим зуррий вақфлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган кишиларнинг насли тугагач, бу вақфлар хайрия вақфларига айланади. 3. Шаръий нормаларга уйғунлиги жиҳатдан вақфлар иккига бўлинади: а) Вақф шартларига тўлиқ эга бўлган (сахих) вақфлар. б) Вақф шартларига қисман эга бўлган (ғайрисаҳих) вақфлар. 4. Ҳуқуқий мақомига кўра вақфлар иккига бўлинади: бекор қилиш мумкин бўлмаган (лозим) (вақф қилувчи ҳам, унинг меросхўри ҳам бу вақфни қайтариб ола ололмайди, ҳатто қози ҳам уни бекор қила олмади) вақфлар ҳамда бекор қилиш мумкин бўлган (ғайрилозим) (вақф қилувчи ёхуд унинг меросхўрлари томонидан тугатилиши мумкин бўлган) вақфлар. Шунини таъкидлаш лозимки, ислом ҳуқуқида вақфларнинг таснифига доир кўплаб асарлар ёзилган. X–XIII аср Мовароуннаҳр ҳанафий манбаларида бу турдаги таснифлар илк бор Алоуддин Косонийнинг “Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” (“Шариатни тартиблашда гўзал санъатлар”) асарида учрайди. Косоний ўз китобида вақфларни вақф қилувчига тегишли шартларга мувофиқлиги, вақф мулкларининг мулкка тегишли шартларга мос келиши, вақфдан фойдаланувчиларнинг тегишли шартларга уйғунлиги жиҳатдан уч йирик туркумга ажратган. Асарда Косоний аввалига мазкур уч

¹ Mustafa Zeki Terzi ve bş. İslam kurumları tarihi. – Ankara: Grafiker yayınları, 2017. – Б. 390-393.

² Hüseyin Hatemi. Türk Hukukunda Vakıf Kurma Muamelesi: Önceki ve Bugünkü. – İstanbul: Fakülteler Matbaası, 1969.

туркумга тегишли шартларни санаб ўтган. Кейин уларга мос келиш ёки келмаслигига доир мисолларни баён қилган. Косоний асарида вақф таснифининг ўзига хос томони шундаки, мазкур китобда вақф қилувчи, вақф мулки ёки вақфдан фойдаланувчига тегишли шартлардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлмаган тақдирда бу шартлар риоясига ҳаракат қилиш ёки бу вақфни ботил дея ҳисоблаш борасида аниқ ечимларни фикҳий далиллар асосида келтириб ўтган. Косоний вақф қилувчига тегишли қуйидаги шартларни санаган: ақлли бўлиш; балоғатга етган бўлиш; ҳур бўлиш; мулкни ўз тасарруфидан чиқариш; вақфга мутаввали тайинлаш, мулкни унга топшириш¹. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Косоний ҳур бўлмаган киши вақф қилган тақдирда бу вақф амалга ошмаслигини, негаки унинг ўз мулки бўлмаслигини таъкидлаган. Мулк мутаваллига топширмаган тақдирда эса вақф давом этавериши мумкинлигини, зеро бу борада Имом Муҳаммад мулкни мутаваллига топшириш шартини қўйган бўлса-да, Абу Юсуф вақфда бундай шарт қўймаганини, аммо вақф мулкига иш юритувчи тайинлаб вазиятни ислоҳ қилиш вақф доимийлиги учун фойдали бўлишини айтиб ўтган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, X–XIII аср ҳанафий манбаларида вақф субъект ва объектларини таснифлашда фақат шаръий талаблар асос қилиб олинган. Замоनावий тадқиқотларда эса вақф қилувчининг амалдор ёки оддий халқ вакили эканлигидан тортиб вақф мулки қаратилган фаолият йўналишигача гуруҳларга ажратилишини кўришимиз мумкин. Бу турдаги изланишларда шаръий талаблар фақатгина вақфнинг шариятга уйғунлиги номли қисмда ислом ҳуқуқи атлабларига мос келадиган ва мос келмайдиган вақфлар дея икки турга ажратилгандир. Тадқиқотчининг фикрича, вақф ижтимоий соҳани қамраб олиш билан бирга ислом ҳуқуқига тегишли мавзу бўлгани сабабли уни таснифлашда замоनावий туркумланиш мазмунига шаръий талаблар ҳам сингдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу бобнинг *“Вақфга оид фикҳий манбалар таҳлили”* деб номланган учинчи фаслида диссертант томонидан вақф институтининг илмий-назарий ва тарихий-ҳуқуқий асосларининг шаклланишига доир илмий қарашлар тизимли тарзда илмий-методологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Фанда ҳар қандай масала муайян методологик асосларга эга бўлиб, вақф ҳам бундан мустасно эмас. Тадқиқотчининг таъкидлашича, ислом ҳуқуқида вақф Қуръон, Суннат ва Ижмо каби асосларга таянади. Маълум бир вазият тақозо этганда эса қиёсдан ҳам фойдаланилади. Яна шунингдек, тадқиқотчи Қуръони Каримнинг кўплаб оятларида садақа қилишнинг фазилати зикр қилинганини таъкидлайди. Қуръонда вақф билан бевосита боғлиқ деб ҳисобланган оят ушбудир: *“Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Нимани нафақа қилганингизни Аллоҳ билувчидир”*². Диссертант ўтмишда ёзилган аксарият манбаларнинг муфассирлари айнан мана шу оятни вақф билан

¹ Алоуддин Косоний. Бадоиъу-с-саноиъ фи тартиби-ш-шароиъ. (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6- жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1997. – Б. 220.

² Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси / таржима ва тафсир муаллифи: Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: “Nilol” нашриёт-матбааси, 2020.

боғлаганларини, жумладан, Куртубийнинг “Қуръон ҳукмлари мажмуаси” тафсири ва Жассоснинг “Қуръон ҳукмлари” тафсири ҳам шулардан эканини таъкидлаган.

Диссертацияда исломнинг иккинчи асосий манбаси бўлган ҳадисларда ҳам хайр-эҳсон қилишга тарғиб қилинганлиги таъкидланиб, вақф ва хайр-эҳсон мавзусида тилга олинган ҳадислар тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Ҳадиси шарифларда зикр қилинган “садақаи жория”, яъни “давомли садақа”га вақфни киритиш мумкинлиги фикҳий манбалар асосида аниқлангани эътиборга молик. Шунингдек, диссертант ўз тадқиқотида манбаларда вақф мулкларини ёзма равишда қайд этиш илк бор саҳоба Умар томонидан амалга оширилганини қайд қилиб ўтади. Унда вақф муносабатларини амалга оширганда уни ёзма равишда ҳужжатлаштириш қонун-қоидалари келтирилганлигини таъкидлайди. Шундан маълум бўладики, гувоҳлар ҳозирлигида вақф қилинаётган мулк ва у жойлашган макон, вақфни бошқаришга тайинланган шахс ва гувоҳлар номи вақф ҳужжатида қайд этилиши лозим деб ҳисобланган. Вақф нозирига маош тайинлаш масаласи ҳам ушбу ҳужжатдан ўрин олиши зарур бўлган. Вақф муносабатларида бу қоидага кўп ҳолларда риоя қилиб келинган. Аммо тарихий манбалар таҳлилида ўтмишда оғзаки равишда вақф қилиш ҳоллари ҳам учрагани, бу эса баъзида вақф қилувчининг меросхўрлари ва вақф ҳақдорлари ўртасида низолар ёки тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлгани ҳақда ҳам маълумотлар мавжуд.

Тадқиқотчининг фикрича, вақфнинг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш бугунги замонавий дунёвий давлатлардаги қонунлар билан шаръий қонунларни уйғунлаштириш ва шу асосда вақф институтини ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга жорий этиш механизмларини янада такомиллашувига муҳим рол ўйнайди. Вақф институтининг назарий асосларини чуқур ўрганиш миллий қонунчилигимиздаги хайр-эҳсонга оид, яъни ижтимоий ҳимояга оид нормаларни янада такомиллаштириш имконини беради.

Диссертациянинг **“X–XIII асрлар Мовароуннаҳр фикҳий манбаларида вақфга оид масалалар”** деб номланган иккинчи боби вақф шартномасини тузиш ва бекор қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий жараёнларни таҳлил этишга бағишланган. Илмий изланишлар натижасига кўра, ислом ҳуқуқида мавжуд тартиб-таомиллар моҳиятида ҳуқуқ устуворлиги тамойилини таъминлаш мужассамлигига амин бўламиз. Мазкур бобнинг *“Вақф шартномасини тузиш ва бекор қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг ҳуқуқий тавсифи”* деб номланган биринчи фаслида ҳиссали мулкни вақф қилишда мулкдорнинг ҳуқуқий мақомига боғлиқ илмий изланишлар ва хулосалар баён қилинган. Диссертант фикрига кўра, тадқиқотнинг бу қисмида ханафий манбалардаги масжид ёки қабристон вақф мулкни бошқариш билан боғлиқ ўша даврга хос муаммоли масалаларни чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратилган. Ҳозирги давр ҳуқуқий тизимларида бўлгани каби вақф мулкчилиги муносабатларини тартибга солишда ҳам ҳуқуқий

мақомга эга субъектлар ва объектлар, яъни вақф қилувчи шахс, вақфдан фойдаланувчи шахс ёки шахслар, вақфни бошқарувчи шахс ҳамда вақф қилинган мулк иштирок этади. Вақф ҳужжати тузилиб расмийлаштирилганда юқорида номи тилга олинган субъектлар ҳозир бўлади ҳамда объект ёки объектлар гувоҳлар ҳузурида қайд этилади. Вақф ҳужжатида вақф субъектлари ва объектлари бўйича бирор бир хато ёки англашилмовчилик келтириб чиқармайдиган даражада аниқ ва тўлиқ маълумотлар акс этирилиши лозим бўлган. Шунингдек, вақф ҳужжатида вақфнинг Аллоҳ розилиги учун қилингани ва Аллоҳдан вақфни асрашини сўраб қилинган дуолар акс этганига гувоҳ бўламиз. Вақфнинг амалга оширишида муайян шартлар мавжуд бўлиб, бу шартлар вақфнинг доимийлик ва бекор қилинмаслик асосида амалга оширилганидан далолат беради. Вақфнинг шартлари уч субъект ва объектга қаратилгандир: вақф қилувчи, вақфдан фойдаланувчи ва вақф қилинган мулк. Вақф қилувчига тегишли шартлар қуйидагилардан иборат: 1. Ақлли бўлиш. 2. Балоғатга етган бўлиш. 3. Ҳур бўлиш. 4. Мулкни ўз тасарруфидан чиқариш. 5. Вақфга мутавалли тайинлаб, мулкни шу мутавалли қўлига топшириш (бу шарт Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад томонидан зарур деб топилган шартлар бўлиб, Абу Юсуф вақф шартномасида бундай шарт қўймаган). 6. Агар у масжид бўлса, вақф қилувчининг изни билан унда азон ва иқомат билан бир жамоатнинг¹ ёки бир кишининг² намоз ўқиши.

Вақф шартномасини тузишда шарт қўйиш масаласи ислом ҳуқуқида вақф муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир. Тадқиқотчининг таъкидлашича, ислом ҳуқуқи билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларда шартномада белгилаб қўйилган зарур шартларни амалга ошириш орқалигина кўзланган ҳуқуқий натижага эришилган. Масалан, олди-сотди шартномасининг ҳуқуқий натижаси товар/мулк ва бадалнинг ўрин алмаштириши ҳисобланади. Икки ёхуд бир тарафли шартномаларнинг ўз моҳиятига мос келадиган ҳуқуқий натижага эришиши учун тарафлар унинг амалга ошишини қийинлаштирадиган ёхуд имконсиз қиладиган шартларни қўймаслиги керак. Ҳуқуқий муомала сифатида амалга ошириладиган вақф шартномасида ҳам шарт қўйишда юқоридаги жиҳатларни эътиборга олиш керак бўлади. Шундай шартлар мавжуд бўлганда вақф амалга ошмаган ҳисобланади. Булар шаръий меъёрларга зид шартлар ҳисобланади. Вақф муносабатларида вақф қилувчининг шартлари ва унга амал қилиш масаласи энг муҳим ҳисобланади. Вақф қилувчи ўзи вақф қилган мулкда ўзи қўйган шартларнинг амалда бўлишини истайди. Акс ҳолда халқ орасида вақф таъсис этиш иштиёқи ўз-ўзидан сўниб боради.

Мазкур бобнинг “*Ҳиссали мулкни вақф қилишда мулкдорнинг ҳуқуқий мақоми*” деб номланган иккинчи фаслида ҳиссали мулк тушунчаси ислом ҳуқуқига оид манбаларда арабча “шоиъ”, “мушоъ” сўзлари билан

¹ Абу Бакр Розий Жассос. Шарху мухтасари-т-Таҳовий. 8 жилдлик. – Қоҳира: Дору-с-сирож нашриёти, 1431 (2010).

² Абдулғаний Ғанимий Майдоний. Ал-лубоб фи шарҳи-л-китоб (Шарҳ мухтасари-л-Қудурий). – Қоҳира: Дору-с-сирож нашриёти, 1435 (2014).

ифодаланиши, шунингдек, мазкур тушунчаларнинг ҳуқуқий рационал ва иррационал жиҳатларининг илмий-концептуал асослари таҳлил қилинган. Бу фаслда ҳиссали мулкни вақф қилишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тадқиқ этилиб, унда ҳуқуқий ёндашувлар ва бу борадаги фатволар классификация қилинди. Ислом ҳуқуқида “шуйуъ” ва “мушоъ” атамалари ҳамда “ширкат” атамаси бошқа-бошқа маъноларни англатади. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Кифоя” асарида ширкат сўзи қуйидагича таърифланади: “Шарикат” ёки “ширкат” луғатда “аралашиб кетиш” маъносини англатади. Шариатда эса ширкат раъсулмол (асосий капитал) ва фойда хусусида шерик бўлганлар орасидаги ақд (келишув)дан иборатдир. Ширкат икки хил бўлади: а) мулк ширкати; б) шартнома ширкати. Мулк ширкатида икки ва ундан ортиқ киши бир нарсага эга бўлади. Улардан ҳар бири ўз шеригининг мулкига нисбатан бегона ҳисобланади. Шартнома ширкатида шериклик хусусида шартнома тузилган бўлади”¹. Тадқиқотчининг фикрига кўра, мушоъ ва мулк ширкати ўртасидаги фарқ шуки, мушоъда мулкни тақсимлаб ажратиш имконсиздир, мулк ширкатида эса ҳар икки (ёки ундан кўп) томоннинг мулки ажратилган бўлади. Бу борада диссертант ҳадислардан намуналарни асос сифатида келтириб ўтади. Ушбу фаслда диссертант ислом ҳуқуқи олимларининг ҳиссали мулк борасидаги фикрларини баён этишда мулкнинг зарурий хусусиятларини алоҳида ажратиб кўрсатишганини қайд этиб, уларни бирма-бир санаб ўтган, шериклик мулк ва ҳиссали мулкнинг фарқини илмий асосда таҳлил қилиб, унинг моҳиятини очиб бера олган.

Диссертация иккинчи бобининг учинчи фасли *“Масжид ёки қабристон вақф мулкни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари”* деб номланиб, унда ислом ҳуқуқига оид ўрганилган манбаларда масжид ва қабристон вақфлари ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ масалаларига алоҳида бўлим ажратилганлиги очиб берилган. Бундай масканлар вақфи бошқа турдаги вақфлардан фарқли бўлиб, улардан олинган даромад эмас, мулкнинг ўзи вақф қилинган. Бу турдаги вақф мулкни бошқаришнинг ўзига хос фарқ қилувчи хусусиятларга эга эканлиги тадқиқотчининг эътиборидан четда қолмагани илмий таҳлилларда кўзга ташланади. Диссертант томонидан тадқиқотда бу борада ҳозирги давр олимлари томонидан билдирилган илмий фикр-мулоҳазалар ёки хулосалар ҳам изчил баён қилинган аҳамиятлидир. Мунзир Қаҳфнинг *“Ал-вақфул-исломий татоввуруху, идоратуху ва танмиятух”* (Исломий вақф: ривожланиши, бошқаруви ва ўсиши) асари, Аҳмад Муҳаммад Абдульазимнинг *“Давру низоми-л-вақфи-л-исломий фи-т-танмияти-л-иктисодийяти-л-муосирох”* асари, Аҳмад Райсунининг *“Ал-вақфул-исломий мажолотух ва абъодух”* асари, Ўмер Ҳилмининг *“Итҳофу-л-ахлоф фий аҳкоми-л-авқоф”* асари, Халил Шукрунинг *“Аҳқому-л-авқоф”* асари, Ҳусайн Ҳотамийнинг *“Türk Hukukunda Vakıf Kurma Muamelesi: Önceki ve Bugünkü”* асарини мисол тарқиасида келтириш

¹ Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008. – Б. 257.

мумкин¹. Тадқиқотчи ислом ҳуқуқидаги ҳанафий манбаларига мурожаат қилиб, бевосита турдаги вақфлар, яъни, масжид, шифохона, қабристон ва шу қабилардан ўз мақсадидан бошқа мақсадларда фойдаланиб бўлмаслиги ва меросхўрлар даъвоси, шериклик мулк бўлиши каби масалаларда бошқа турдаги мулкларга ўхшамаслиги сабабли бу турдаги вақфларни шартли равишда ўзгармас вақфлар деб номлаганини илмий жиҳатдан асослаб берган.

